

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти
кафедраси**

Солиқ ва солиққа тортиш фанидан

1-маъруза

**Мавзу: “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети ва
ўрганиш усуллари.**

Тузувчи: доцент М.А.Ахмедова

Тошкент – 2013

Маъруза режаси

1. Солиқлар ва солиққа тортиш фанини ўқитишнинг зарурлиги, унинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.
2. Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг предмети ва функциялари.
3. Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг мутахассис кадрларни тайёрлашдаги роли.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети ва ўрганиш усуллари

1. Солиқлар ва солиққа тортиш фанини ўқитишнинг зарурлиги, унинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг бошқа фанлар сингари ўзига хос предмет ва вазифалари мавжуд. Бу фанни ўқитишнинг зарурлиги бозор иқтисодиёти муносабатлари ичида солиқ муносабатларининг аҳамияти ўсиб бораётганлигидан келиб чиқади.

Солиқлар ва солиққа тортиш фани солиқ воқеъликларини (ҳаракатларини) чуқур ўрганиш асосида зарурий хулосалар чиқариб, уларни амалиётга тадбиқ этиш йўлларини ўргатади.

Солиқлар ва солиққа тортиш фани солиқ амалиётидаги энг тўғри, энг мукамал ва энг прогрессив воқеъликларни ўрганиб, амалиёт учун худди бир дастурий амалдай ёритиб боради. Назария воқеъликларни амалиётдан олади ва яна амалиётга энг тўғри, маъқул ва илғор тажрибалар олиниб амалиётга йўл кўрсатиш учун ўргатилади.

Демак, назария амалиёт учун керак ва амалиёт учун компас, барометр, йўл бошловчи вазифасини бажаради. Назариясиз амалиёт йўлдан адашган йўловчидир. Назарияни чуқур билган амалиётчи ҳар қандай ўзгаришларда ҳам ишлаб кета олади ва йўлдан адашмайди.

Солиқлар ва солиққа тортиш фанини ўқитишнинг зарурлиги амалиётда йўлдан адашмаслик, кераксиз солиқлар бўйича ўзгартишларга йўл қўймаслик, амалиётда истиқболли қадамлар ташлаш учун ва катта муваффақиятларга эришиш учун ҳам зарурдир.

Солиқлар ва солиққа тортиш фани солиқ назарияси фани билан чамбарчас боғлиқдир, унинг махсус бўлими, яъни чуқурлаштирилган ва кенгайтирилган бўлимидир. Чунки солиқ назарияси қонуниятлари умумиқтисодий назария қонуниятларидан четга чиқиб кета олмайди, уларга асосланади ва ривожлантирилади.

Солиқ муносабатлари молия муносабатларининг таркибий қисми бўлганлиги боис, солиқлар ва солиққа тортиш фани ҳам молия назарияси фани билан чамбарчас боғлиқ. Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг ўзига хос хусусиятлари солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги мажбурий характерга эга бўлган пул муносабатларини ўргатади.

Солиқлар ва солиққа тортиш фани давлат бюджети фани билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Чунки солиқлар охир оқибатда бюджет даромадларини шакллантиради. Солиқлар (даромадлар) бўлмаса бюджет муносабатларининг ўзи бўлмайди. Бу фан чет мамлакатлар солиқ тизими, молиявий ҳисоб, солиқ қонунчилиги асослари, солиқларни прогноз қилиш фанлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

2. Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг предмети ва функциялари. Ҳар қандай фан ўзининг предметиға, яъни изланиш объектиға эга бўлади. Масалан, технология фанининг предмети бўлиб кимёвий моддаларнинг таркибини ўрганиш ҳисобланса, машинасозлик фани учун машиналар

механизмини характеристикаси бўлса, солиқлар ва солиққа тортиш фанининг предмети солиқ муносабатларини (ҳаракатини), солиқлар механизмини ҳар томонлама ўрганишдан иборатдир.

Фаннинг предмети солиқ воқеъликлари пул муносабатларини ўрганишдан иборат бўлади. Бу пул муносабатлари солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи (солиқ олувчи) давлат ўртасидаги муносабатлардир. Фаннинг моҳияти шу ўртадаги муносабатни чуқур ўрганиш, уларни тўғри ташкил қилишни таъминлашдир. Тўғри ташкил этиш деганда солиқ муносабатида қатнашувчи томонларнинг иқтисодий манфаатини эътиборга олиш, мувозанатни сақлаш каби муносабатларни ташкил қилиш тушунилади. Бу мувозанатни сақлашда томонлар адолатлик ва инсофлик тамойилига амал қилиши зарур. Тушунарлироқ қилиб айтсак, бюджетга солиқларни олишда солиқ тўловчилар бўйнига ортиқча оғирлик осмаслик, уларни ўз ишлаб чиқаришидан манфаатдорлигини сўндириб қўймаслик, уларнинг дастурлари ва режаларини тез - тез ўзгартиришга олиб бормаслик ва ҳоказоларга эътибор бериш кўзда тутилади. Бу ерда томонларнинг дўстона муносабатда бўлиши, бозор иқтисодиёти талабларига мос иқтисодий муносабатлар бўлишини ўргатади. Фаннинг предметини чуқур ўрганиш шуни кўрсатадики, муносабатларда бир томонлама зўравонлик муносабати бўлгудай бўлса, иккинчи томон унга жавобан ўз даромадлари, бошқа солиқ объектларини ҳар хил йўллар билан яширади. Бундай ҳолларда ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам кучи етмай қолиши мумкин. Даромадларни, солиқ объектларини яшириш ҳолати ҳам муносабатларни бузади. Демак, солиқлар ва солиққа тортиш фанини чуқур ўрганиш орқали амалиётда солиқ тушумлари режаларини муваффақиятли бажариш вазифасига ҳам эришиш мумкин.

Фаннинг функциялари солиқ мутахассиси ва бошқа солиқ идоралари ходимларини назарий жиҳатдан қуроллантириш ҳамда амалиётда адашмаслик учун йўл - йўриқлар кўрсатишдан иборатдир. Шунингдек, чет эл солиқ амалиётини ўрганиш ва таққослаш асосида тегишли хулосалар ишлаб чиқиш, уларнинг иш тажрибаларини ўзимизнинг амалиётга мослаб зарур жойларини тадбиқ этишдан иборатдир.

Демак, фаннинг асосий функцияси юқори малакали солиқ мутахассислари тайёрлашда уларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан услубий қўлланмалар билан таъминлашдир.

3. Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг мутахассис кадрларни тайёрлашдаги роли. Солиқларнинг пайдо бўлиши давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳамда ҳозирги Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиёти шароитида давлат уни ташкилотчиси эканлигидан солиқлар ва солиққа тортиш фани давлатнинг ўта зарур бўлган хилма - хил вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ва уларга асосланади. Давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш уни тақсимлашнинг қонун - қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тақсимлашдаги муносабат бозор иқтисодиёти шароитида пул орқали амалга оширилганлигидан давлат уни тақсимлашни ҳам пул муносабатлари орқали,

яъни солиқ, пул ва кредит орқали амалга оширади. Давлатнинг бундай фаолиятини ўрганиш - солиқлар ва солиққа тортиш фанининг диққат - марказида туради.

Бозор иқтисодиёти талаб ва таклиф, рақобат, қиймат ва бошқа қонунлар орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти - эркин иқтисодиёт, пулли муносабатлар иқтисодиётидир. Солиқлар ҳам пул муносабатларини ифода этганлиги учун бозор иқтисодиёти таркибига киради, унинг ажралмас қисмидир. Бозор иқтисодиёти қонунлари - солиқлар ва солиққа тортиш фанининг асосини ташкил этади. У қонунларни чуқур англамасдан туриб солиқлар ва солиққа тортиш механизминини тушуниб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти қонунларини ўрганиб чиқиб, давлат ялпи ички маҳсулот қийматинини солиқлар орқали тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Шундай экан, давлат тўғрисидаги таълимот - давлат иқтисодиётни бошқаришда бош рол ўйнаши солиқлар ва солиққа тортиш фанининг асоси бўлиб хизмат қилади. Давлат бозор иқтисодиётинини бошқаришда етакчилик, бошқарувчилик ролини ўйнайди. Давлат солиқларни иқтисодий моҳияти ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, уни амалиётга тадбиқ қилишни ўз зиммасига олади.

Солиқ хизмати ходимлари ўзларига қонуний ҳужжатларда юкланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун фақат амалий жиҳатдан солиқларни билибгина қолмасдан, солиқларнинг моҳияти, белгилари, уларнинг объектив зарурлигига, давлатнинг солиқ сиёсати, солиқлар тизими, солиққа тортиш тизими, солиқ идоралари тизими ва бошқалар каби назарий масалаларни чуқур билишлари зарур. Бунинг учун эса солиқлар ва солиққа тортиш фанини чуқур ўрганиш керак. Шунинг назарда тутиш зарурки, Леонардо да Винчи айтганидек: «Назария қўмондон, амалиёт аскарлардир» Назария амалиётни тўғри йўлга бошловчи компасдир. Ҳар қандай вазифаларни кадрлар ҳал қилади. Шунинг учун, улар чуқур назарий билимга ва касб маҳоратига эга бўлишлари зарур.

Фаннинг мазмунини чуқур эгаллаган ҳар қандай мутахассис солиқлар ва солиққа тортиш жараёнини ўрганишда ва уларни ҳаётга тўғри ҳамда тўлиқ тадбиқ этишда адашмайди. Шундай экан бу фан солиқ хизмати ходимлари, солиқ соҳаси вакиллари, илмий ходимлар учун ўзларининг илмий салоҳиятларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанини ўқитиш нима учун керак?
2. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фани нимани ўргатади унинг қандай функциялари бор?
3. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг мазмунида нималарни ўргатиш мақсади ётади ва унинг мутахассис кадрлар тайёрлашдаги роли қандай?

Солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган тўловларга умумий тавсифнома

Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар

Иқтисодий адабиётларда юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси *солиқлар тизими* деб тушунилади. Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади ҳамда улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан жорий этилади ва бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар таркибига қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги молия йили учун макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети прогнози тўғрисидаги махсус қарори асосида белгиланган нормативлар бўйича тегишли маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланади.

7) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

- ягона ижтимоий тўлов;

Бу тўлов ўз навбатида қуйидаги жамғармаларга тақсимланади: Пенсия жамғармасига, бандлик жамғармасига ва касаба уюшмаси жамғармасига.

- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар;

8) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

9) давлат божи;

10) божхона тўловлари;

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибида тўланадиган умумдавлат солиқлари:

11) ягона солиқ тўлови;

12) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1) мол-мулк солиғи;
2) ер солиғи;
3) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

6) ягона ер солиғи (соддалаштирилган тартибдага солиқ)

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўловчиси бўлиб Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Мол-мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан жорий этилади ва унинг бутун ҳудудида ундирилади.

Ушбу солиқлар ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари томонидан жорий этилади. Ушбу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида айрим маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумий, қатъий ставкаларда белгилаши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қўйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг миқдорлари, уларни ундириш тартиби, улар бўйича қўшимча имтиёзлар тақдим этиш Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Юридик шахслар томонидан бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби ҳисобварақларида маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳар бир тури бўйича юритилади.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланиши, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун жавобгарлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўловчилар зиммасига юкланади.

Маҳаллий солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўланишининг тасдиғи бўлиб амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк муассасаси ёки ваколатли орган берган ҳужжат ҳисобланади.

Солиқларнинг умумдавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга ва бошқа мажбурий тўловларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат миқёсида катта вазифаларни, жумладан, соғлиқни сақлаш, маориф, фан, мудофаа, хавфсизликни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор шу каби стратегик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлишни талаб этади. Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, ер каъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин. Борди-ю, ажратма етмаса субвенция ёки субсидия берилади. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятга эга бўлиб, улар бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлар ҳисобланади.

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳокимият органлари асосан фуқароларга яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни, жумладан, мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар уларнинг бюджет харажатларининг 30-40 фоизини қоплайди, холос.

Шунинг учун ҳам маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки улар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади ва улардан бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда

умумдавлат солиқларидан ажратмалар берилади. (масалан, қўшилган қиймат солиғидан, акциз солиғидан ва бошқалар).

**Соддалаштирилган
солиқ тизимига ўтган
юридик ва жисмоний
шахслар**

Ўзбекистон солиқ тизимида
соддалаштирилган (ихчамлаштирилган) солиқ
tizимига ўтган юридик ва жисмоний шахслар
ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидаги солиқларни
тўлайдилар:

1) Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови тўланишини назарда тутувчи солиқ солиш тизими қўлланилиши мумкин. Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган, шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга ошираётган микрофирмалар ва кичик корхоналар Солиқ кодексида (350-модда) белгиланган тартибда акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар тўлаганлари тақдирда ягона солиқ тўлови уларга татбиқ этилмайди. Ягона солиқ тўлови тўловчиларда импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини ва қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбурияти ҳам сақланиб қолади.

2) Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бундан мустасно), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (мол-мулк солиғи, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим бундан мустасно) ўрнига бюджетга 2007 йил 1 январга қадар ялпи даромад солиғи тўлар эдилар. 2007 йил 1 январдан бошлаб эса савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад ва мол-мулк солиқларнинг ўрнига солиқ солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқисиз ягона солиқ тўловини тўлаш режимига ўтказилди.

3) Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари акциз солиғини ва товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилганлик учун қўшилган қиймат солиғини истисно этганда, амалдаги барча умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига ўзи етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича ягона ер солиғини тўлайдилар. Ягона ер солиғини тўлаш тартиби ва ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича солиқ солишнинг ўзи белгиланган ставкалар бўйича солиқнинг қатъий белгиланган суммасини тўлашни назарда тутувчи алоҳида тартибини белгилаши мумкин.

5) Кончилик саноати тармоқларининг айрим корхоналари учун қўшимча фойда солиғи тўланишини назарда тутадиган фойданинг бир қисмига солиқ солишнинг алоҳида тартиби жорий этилиши мумкин. Қўшимча фойда солиғи тўловчилар, уни тўлаш тартиби ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6) Лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ўрнига ялпи тушумдан ягона солиқ тўловини тўлайдилар. Ялпи тушумдан ягона солиқ тўлови ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Солиқларнинг гуруҳларга ажратилиши

Ўзбекистон солиқ тизимида амалда бўлган солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Оборотдан олинadиган солиқлар
2. Даромаддан олинadиган солиқлар
3. Мол-мулк қийматидан олинadиган солиқлар
4. Ер майдонига қараб олинadиган солиқлар.

Оборотдан олинadиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун олинadиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаридек маҳсулот реализацияси оборотидан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади. Ялпи тушумдан олинadиган ягона солиқ тўлови ҳам оборотдан олинadиган солиқларга киради.

Даромаддан олинadиган солиқларга юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, ихтисослаштирилган улгуржи савдо корхоналарининг ялпи даромадидан олинadиган солиқлари киради. Бу гуруҳ солиқларга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинadиган солиқларга мол-мулк солиғи киради.

Ер майдонларидан олинadиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи ва юридик (ноқишлоқ хўжалик) ва жисмоний шахсларнинг ер солиқларини киритиш мумкин.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юкини бошқалар зиммасига юклатиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқлар таркибига барча даромаддан тўланадиган солиқлар ва мол-мулк (ресурс) солиқлари киради.

Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари оширилса, корхоналарнинг молиявий имкониятлари камая боради ва охир-оқибатда мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, бу гуруҳ таркибига кирувчи солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри иқтисодий ривожланиш билан бевосита боғлиқдир.

Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилар ҳисобланади. Лекин, солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилардир, яъни эгри солиқларнинг барчаси бевосита истеъмолчилар зиммасига тушади. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига қўшимча равишда қўйилади.

Эгри солиқларнинг ижобий томони шундаки, улар республикада ишлаб чиқарилган товарларни республикадан ташқарига чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарларнинг сероб бўлишига ёрдам беради ҳамда инфляция даражасини (муомаладаги ортиқча пул массасини) бирмунча жиловлаб туради. Эгри солиқлар ставкасининг асосли равишда оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан-тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси илмий асосланмасдан ошириб юборилса бундай ҳолатда корхоналар ўз товарларини сотиш қийинчилигига дуч келишлари мумкин.

Жаҳон солиқ амалиётида Давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри ва эгри солиқларнинг нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасига баҳо бериш мумкин. Масалан. АҚШда бюджет даромадлари таркибида тўғри солиқлар салмоғининг 90 фоизга яқин бўлиши бу мамлакат иқтисодиётининг юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Қуйидаги 1-жадвалда Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида тўғри солиқларнинг таркиби ва ундаги ўзгаришлар кўриб чиқилган.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари
таркибида тўғри солиқларнинг ўрни¹**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						2006 йилда 2002 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
		2002	2003	2004	2005	2006	2008 прог.	
1.	Давлат бюджети даромадлари –жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
2.	Шу жумладан: тўғри солиқлар	40,6	37,8	37,7	34,6	35,8	42,4	-4,8

Келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 2002-2006 йиллар мобайнида тўғри солиқларнинг мамлакат давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, халқаро бюджет амалиётида шаклланган тенденциялар нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, мазкур тенденцияларга мувофиқ, бозор иқтисодиёти шароитида тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи барқарор тарзда сақлаб турилиши ёки ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим. 2008 йилда 2006 йилга нисбатан 6,6 пунктга ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги халқаро бюджет амалиётига мос келаётганлигидан далолат беради.

Эгри солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи, жисмоний шахсларнинг транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқлари киради.

2002-2008 йиллар мобайнида эгри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Мазкур тенденциянинг мавжудлиги давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати нуқтаи-назаридан ижобий ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига бевосита боғлиқ бўлмаган барқарор даромад манбалари ҳисобланади ва эгри солиқлар бўйича тушумларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижтимоий харажатларини ўсиш тенденциясига эга эканлиги давлат бюджети даромадлари ҳажмини узлуксиз ошириб боришни тақозо қилади. Бу эса, қўшилган қиймат солиғи,

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

акциз солиғи каби барқарор даромад манбаларини бюджет даромадларининг таркибидаги юқори салмоғини таъминлашни тақозо қилади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари таркибида эгри солиқларнинг ўрни² (фоизда)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						2008 йилда 2002 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
		2002	2003	2004	2005	2006	2008 прог.	
1.	Давлат бюджети даромадлари – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
	Шу жумладан: -эгри солиқлар	46,1	45,6	51,9	54,6	57,8	50,2	+4,1

Юқорида айтиб ўтилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб, бир-бири билан ўзаро боғлангандир.

Европа мамлакатларида эгри солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил қилади.³

Юридик ва жисмоний шахслар тулайдиган солиқлар ва йиғимлар

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва йиғимларнинг ҳал қилувчи асосий қисмини юридик шахсларнинг солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлари ташкил этади. Юридик шахслар қуйидаги умумдавлат ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдилар (1-чизма).


Юридик шахслар солиқ тўловчи бўлиши учун юридик шахс мақомини олганидан ташқари, албатта бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад олган бўлишлари зарур ёки товарлар (иш, хизматлар) сотишдан оборотга эга бўлишлари ҳамда статистика идораларида, ҳокимиятлардан рўйхатдан ўтган (кодга эга) бўлишлари шарт.

Жисмоний шахслар юридик шахс мақомини олмаган шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаганлар ва

² Ўша жойда.

³ Пансков В.П., Князев В.Г. Налоги и налогообложения. –М.: МЦФЭР, 2003. –с. 57-59.


чет эл мамлакатлари фуқаролари киради. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар юридик ва жисмоний шахсларга бўлинган. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар давлат бюджети даромадларининг 20-25 фоизини ташкил этади.



**1-чизма. Юридик шахслар томонидан тўланадиган
солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар⁴**

⁴ Солиқ кодекси асосида ишлаб чиқилди.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг хусусияти шундан иборатки, солиқ жисмоний шахснинг тўғридан-тўғри ўз даромадидан олинади. Улар тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар асосан бюджетга нақд пул тўлаш йўли билан ўтказилади (2-чизма).



2-чизма. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқлар

Жисмоний шахслар давлат бюджетига қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди:

- жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлиги учун солиқ;

- жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда даромадига ўрнатилган қатъий ставкадаги солиқ;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар.

Солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиботи ва солиқ ҳақидаги қонун

ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги қонуни ва шу каби бевосита солиққа оид қонун ҳужжатлари орқали тартибга солиб турилади.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидан ўрин олган нормалари солиқ кодексига мувофиқ бўлиши лозим. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Солиқ Кодексида бошқача қоидалар белгиланган ёки назарда тутилган бўлса, унда халқаро шартнома қоидаларида белгиланган шартлар амалда қўлланилади.

Солиқ солиш – юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Белгиланаётган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиши ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга ғов бўлиши мумкин эмас. Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши лозим, солиқ имтиёзларини белгилашда эса албатта ижтимоий адолат принципларига риоя этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги-сўмда ҳисоблаб чиқарилади.

Амалдаги солиқ кодексига кўра солиқ тўловчилар кўйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш.

Солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ўзлари рўйхатдан ўтган қуйи Давлат солиқ хизмати органларига бориб, бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини хатоларсиз бажариш мақсадида тегишли ахборотларни ёки маслаҳатларни бепул олиш имкониятларига эга.

- Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш.

Солиқ тўловчилар нафақат Солиқ кодексида балки, Вазирлар Маҳкамасининг ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Қарор ва Фармонларида кўзда тутилган имтиёзлардан ҳам фойдаланиш ҳуқуқларига эгадирлар. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сонли “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар белгиланган фойда солиғидан 20 фоиз миқдорида имтиёзга эгадирлар.

- Бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш.

Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, гоҳида солиқ тўловчиларнинг ўзлари, гоҳида эса солиқ идораларининг онгли ҳаракатлари туфайли солиқлар ва йиғимлардан ортиқча тўловларни ундириш амалга оширилади, айниқса, чорак якуни ёки молиявий йил якунланаётган вақтда айрим солиқ турларидан прогноз-режаларни бажариш мақсадида корхоналарнинг банкдаги ҳисоб рақамларидан инкасса топшириқномаси орқали қонунчиликка зид равишда мажбурий ундириш ҳолатлари кўп учраши мумкин. Бюджетга ортиқча ундирилган солиқлар 30 кун муддат ичида солиқ тўловчиларга қайтарилиши ёки бошқа солиқлар ва йиғимлардан қарзи мавжуд бўлган ҳолда ўша қарзни қоплаш имконияти пайдо бўлади.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдидаги ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш.

Ушбу бандга мувофиқ солиқ тўловчилар қуйи солиқ идораларига берилган солиқ турлари бўйича белгиланган прогноз-режа ва шу каби ҳўжалик ва молиявий фаолиятларига тегишли бўлган солиққа тортиш масалалари бўйича маълумотлар билан танишиш имкониятларига эгадирлар.

- Солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини ўн кунлик муддат ичида тақдим этиш.

Солиқ тўловчилар фаолияти солиқ органлари томонидан текширилганда аниқланган хато ва камчиликлар, қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, ҳисобланган молиявий жарималар тўғрисида тузилган далолатнома корхона мансабдор шахсларига (бош ҳисобчисига) таништирилиши шарт. Текшириш натижаларини корхона раҳбарияти ноҳақ деб ҳисоблаши ҳамда эътироз билдириши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда, солиқ

тўловчи солиқ идораси раҳбарияти номига ёхуд юқори солиқ идораларига ёзма мурожаат қилишлари мумкин. Солиқ идораларида эксперт комиссияси тузилган бўлиб, ушбу комиссия томонидан солиқ тўловчиларнинг ёзма эътирозлари бир ой муддат ичида кўриб чиқилади ва натижаси аризачига билдирилади. Бундай ҳолатда текшириш натижасида солиқ тўловчига нисбатан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий жарималарни бюджетга ундириш тўхтатилмайди.

- Солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш.

Солиқ органлари ўзларига берилган ваколот доираларида қабул қилган қарорлари айрим ҳолларда солиқ тўловчиларнинг эътирозларини келтириб чиқариши мумкин ёки улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини солиқ тўловчи қонунга зид деб ҳисоблашлари ва уларга барҳам бериш мақсадида юқори солиқ органлари(Давлат солиқ бошқармаси, Давлат солиқ қўмитаси)га ёхуд судга шикоят билан даъво қилишлари мумкин. Бундай ҳолат амалиётда баъзида учраб туради.

- Солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоб-китобини қўйи солиқ идораларига қонунчиликда белгиланган муддатларда топширгандан сўнг, хато ва камчиликларни аниқлашса уни қайта тузатиб дарҳол солиқ идораларига қайта солиқ ҳисоб-китобларини топширишлари лозим бўлади. Акс ҳолда, қонун олдида жавоб беришга тўғри келади.

Солиқ тўловчилар Солиқ Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Солиқ кодексига кўра солиқ тўловчилар қуйидаги мажбуриятларга эгадирлар:

- белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, почта манзили ўзгарган тақдирда эса (нотижорат ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда ҳам), бу ҳақда солиқ органларини ўн кунлик муддат ичида ёзма равишда хабардор этиш.

Солиқ тўловчилар амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг, албатта қўйи солиқ идораларидан ҳам рўйхатдан ўтиши ва тегишли равишда солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) ни олиши шарт. СТИР Давлат солиқ қўмитаси томонидан марказлашган тартибда рўйхатга олинади ва солиқ тўловчиларга қўйи солиқ идоралари томонидан етказилади.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш.

Солиқ тўловчилар ҳисобот даврида ҳисобланган солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида, тўлиқ миқдорда бюджетга тўлаб беришлари шарт. Аксинча, солиқ идоралари томонидан ўз вақтида бюджетга ўтказилмаган солиқлар ва йиғимлар суммасига нисбатан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05 фоиз миқдорида жарима (пеня) ҳисобланади. Ҳисобланган пеня миқдори корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан қопланади.

- Бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш.

Корхона ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини юритишда қонунчилик билан белгилаб берилган ҳисоб ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини юритишга мажбурдир. Корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш тегишли қонунчилик нормалари асосида амалга оширилади.

- Молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш.

Солиқ тўловчилар ҳар бир солиқ тури бўйича ҳисоб-китобларини белгиланган муддатлардан кечиктирмасдан солиқ идораларига тақдим этади. Акс ҳолда, корхонага ва корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан молиявий ва маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш.

Солиқ тўловчиларга солиқ кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида ёки бошқа қонун ҳужжатларида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлар кўзда тутилган ҳолда, улар имтиёз олиш ҳуқуқини тасдиқловчи тегишли қонун ҳужжатларини қуйи солиқ идораларига тақдим этиши шарт. Имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлгандагина улар имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг текширув режасига асосан Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолияти текширилганда корхоналар солиққа тортиш объекти билан боғлиқ бўлган барча объектларини кўздан кечиришга ва бундан ташқари текширишга шароит яратиб беришлари лозим. Акс ҳолда, солиқ идораларининг қонуний талаблари бажарилмаган ҳисобланади ва уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган тегишли жазо чоралари қўлланилади.

- Солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ёки уларнинг бошқа ваколот доирасидаги қонуний талаблари солиқ тўловчилар томонидан бажарилиши мажбурдир.

Солиқ тўловчилар Солиқ Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз зиммаларига юклатилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиққа тортиш объектига қараб солиқлар қандай гуруҳланади?
2. Оборотдан олинadиган солиқларга қайси солиқлар киради?
3. Даромаддан олинadиган солиқларга қайси солиқлар киради?
4. Мол-мулк ва ер майдонларидан олинadиган солиқларга қайси солиқларни киритиш мумкин?
5. Солиқлар иқтисодий моҳиятига қараб қандай гуруҳланади?
6. Тўғри солиқлар таркибига қандай солиқлар киради ва у нима учун тўғри солиқ деб аталади?
7. Эгри солиқлар таркибига қандай солиқлар киради?
8. Эгри солиқларнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатинг?
9. Юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқларнинг фарқи нимадан иборат?
10. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг ўзига хос хусусиятлари нима?
11. Солиқ тўловчилар қандай ҳуқуқларга эга?
12. Солиқ тўловчилар қандай мажбуриятларга эга?